



ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЕТАКЧИЛАРИ ҲАР ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЙД ЭТДИЛАР

5 февраль куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.



Икки мамлакат етакчиларининг расмий учрашуви Хитой пойтахтидаги Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши уйида бўлиб ўтди.

Музокаралар аввалида Раис Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарини самимий кутлаб, унга қишки Олимпиаданинг очилиш маросимида шахсан иштирок этгани учун чин дилдан миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти, ўз навбатида, таклиф ва самимий қабул учун ташаккур билдириб, дўст Хитой раҳбарияти ва халқини Олимпия ўйинларининг очилиши жуда юксак савияда ўтгани билан табриклади, бу маросим бугунги Хитойнинг улкан муваффақият ва ютуқларини намойиш этганини таъкидлади.

Етакчилар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик

муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан батафсил фикр алмашдилар.

Яхши кўшничилик, ўзаро ҳурмат ва манфаат принципларига асосланган давлатлараро муносабатлар бугун юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама алоқаларнинг фаоллашишига хизмат қилди.

2021 йил якунига кўра товар айирбошлаш рекорд кўрсаткичага етди. Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган жами инвестициялар ҳажми 9 миллиард долларни ташкил этди.

Хитойнинг етакчи компания ва банклари иштирокида саноат, кимё тармоғи, энергетика,

ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа устувор йўналишларда юқори технологик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

“Яшил” иқтисодиёт, сунъий интеллект, рақамлаштириш ва электрон савдо соҳаларидаги ҳамкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ипак йўли” жамғармаси билан узоқ муддатли ҳамкорлик бўйича амалий шерикликнинг стратегик лойиҳаларини илгари суришга қаратилган янги “йўл харитаси” шакллантирилмоқда. Молиявий-техник кўмак дастури кенгайтирилмоқда.

Учрашувда ушбу ташриф доирасида имзоланган беш йиллик Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик дастурини кенг қўламда амалга ошириш муҳим экани қайд этилди.

Мутаносиб товар айирбошлашга эришиш, фаол ҳудудлараро алмашинувларни қайта тиклаш ва самарали транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича биргаликда чора кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Камбағалликка ва коррупцияга қарши курашиш борасида Хитой тажрибасини ўрганиш ва жорий қилиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Соғлиқни сақлаш, анъанавий тиббиёт, туризм, таълим, маданият ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик дастурини кенгайтириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Муҳим иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни илгари суриш мақсадида қўшма Ҳукуматлараро кўмита ва унинг соҳалар бўйича кичик

кўмиталарининг навбатдаги мажлисларини ўтказиш масалалари келишиб олинди.

Халқро ва минтақавий кун тартибидagi масалалар, шу жумладан, Афғонистонда тез фурсатда тинчлик ўрнатилишига ва иқтисодий тикланишга кўмаклашиш масаласи кўриб чиқилди.

Раис Си Цзиньпин Ўзбекистоннинг жорий йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти раиси сифатидаги фаолиятини кўллаб-қувватлади.

Яқунда Президент Шавкат Мирзиёев Хитой етакчиси ва халқини ой тақвими бўйича кириб келган Янги йил билан табриклади ва қишки Олимпиада муваффақиятли ўтишини тилади.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарларининг учрашуви очик, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

5 февраль куни Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан учрашди.



Ўзбекистон — Покистон стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Покистон Бош вазири ўтган йил июль ойида Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифда эришилган келишувларни амалга оширишнинг илк натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Жумладан, ўтган йил якунида икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 1,5 баробар ортди, бир йилда 40 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди.

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фармацевтика препаратлари, кимёвий товарлар ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Саноат, таълим ва кино соҳаларида қатор муҳим лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳудудлараро алоқалар ҳам кенгаймоқда — шу кунларда Панжоб

вилояти губернатори Сарвар Чоудри бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашувда ишбилармонларнинг қўшма ташаббуслари ва истиқболли инвестиция лойиҳаларини кўллаб-қувватлаш, банк-молия соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

“Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суриш борасидаги амалий ишларни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди.

Олий ва юқори даражадаги бўлажак мулоқотлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти ва Покистон Бош вазирининг учрашуви ҳар доимгидек очик, ишчан ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирмоқда

Хорижий экспертлар ҳамжамияти вакиллари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилги қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросимидаги иштироки, ушбу воқеа билан боғлиқ тадбирлар доирасида ўтказган учрашувлари, жумладан, ХХР Раиси Си Цзиньпин билан музокараларига оид фикр-мулоҳазаларини “Дунё” ААга билдирмоқда.

Макс Сей, “Kingsley Strategic Institute” институти ижрочи директори (Малайзия):

— Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати юксак даражадаги ишонч ва ўзаро англашув билан ажралиб туради. Буни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2022 йилги қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида қатнашиш учун Пекинга ташрифи ҳам тасдиқлайди.

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН — ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

АДОЛАТ ҲАМДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 28 январь куни “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонни имзолади. Фармон билан тасдиқланган Тараққиёт стратегияси “Инсон қадрини улуғлаш ва давлат инсонлар учун” (“Халқпарвар давлат”) каби юксак тамойилларга асосланган ҳолда яқин ва ўрта муддатли даврда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича 7 та устувор йўналиш ҳамда 100 та мақсадни қамраб олган. Иккинчи йўналиш мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришга қаратилган.

Робохон МАҲМУДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раисининг биринчи ўринбосари



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонни “хуқуқ устуворлиги индекси” юқори бўлган давлатлар қаторига киритиш асосий вазифалардан бири эканини таъкидлаган. Ушбу мақсадда мулкни ҳимоя қилиш ва маъмурий судларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали фуқаролар ҳамда тадбиркорлар ҳуқуқини қароқўлларнинг янги тизими яратилади.

2022 йилда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилади. Ушбу амалиёт авваллари фақатгина жиноят ишлари бўйича судларда қўлланилар эди.

Шунингдек, суд-хуқуқ ислохотларининг изчил давоми сифатида маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида қарорнинг (ҳаракатнинг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти уни қабул қилган мансабдор шахс зиммасига юклайдиган тартибни белгилаш орқали самарали суд назоратини ўрнатилган.

“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да суд тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида қуйдаги тартиб ўрнатилади.

Биринчидан, иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, у ушбу судлар томонидан қабул қилинади ва судга тааллуқлигига кўра, тегишли судга юборилади. Яъни судга киритилган даъво ариза (ариза) ва шикоятларни улар мазкур судга тегишли эмаслиги бўйича қабул қилишни рад этиш каби суд амалиётига йўл қўйилмайди.

Иккинчидан, давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича маъмурий судлар ваколати аниқ белгиланади.

Ҳозирда маъмурий судлар томонидан маъмурий органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) қонунга хилоф деб топилганда, унинг оқибатида келиб чиққан зарарларни ундириш фуқаролик ва иқтисодий судларда ҳал этилади. Эндигилда оммавий-хуқуқий муносабатдан келиб чиқадиган низо юзасидан иш тўғрисида маъмурий судлар томонидан кўриб, ҳал этилади.

Бундан ташқари, жорий йилда судьялар корпусини шакллантиришда очкилик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойиллар жорий этилади. Бунинг учун судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш жараёнида Судьялар ҳамжамияти органларининг аниқ ваколати белгиланади.

лий-хуқуқий шарт-шароитлар яратилади, ярашув институтини қўллаш доираси янада кенгайтирилади;

— судьялар ҳамжамияти органларининг суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашдаги ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга гайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмлар яратилади;

— суд тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилади;

— суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишининг самарали механизмлари жорий этилади. Мазкур мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун аҳолининг кенг қатлами, жамоатчилик ва ишбилармон доиралар вакиллари, давлат органлари мутасаддилари ўз хиссасини қўшиши зарур бўлади.

Тараққиёт стратегияси — амалда

Албатта, Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифалар суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мантаний давомидир. Дарҳақиқат, ўтган беш йилда адолат ва қонунийликни таъминлаш, суд тизимини демократлаштириш, судлар фаолияти шаффофлигини таъминлаш, уларни “Адолат кўргони”га айлантириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Таъкидлаш жоизки, маъмурий ва бошқа оммавий-хуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 2017 йилда ташкил этилган маъмурий судлар қисқа муддатда ўз самарадорлигини амалда намойён этди. Масалан, 2017-2021 йилларда маъмурий судлар томонидан

Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори Тараққиёт стратегиясида белгиланган тамойилларни рўйбга чиқариш йўлида ташланган муҳим қадамлардан бири бўлди. Қарорда Олий суд, Судьялар олий кенгаши манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қуйдаги тартибларни процессуал қонун ҳужжатларида акс эттириши бўйича вазифалар белгиланди.

Биринчидан, маъмурий суд ишларини юритишни “суднинг фаол иштироки” тамойили асосида амалга ошириш, бунда маъмурий судларга ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун ўз ташаббуси билан далилларни йиғиш мажбуриятини юклаш, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига далилларни йиғишга фақат ўз имконияти доирасида иштирок этишга шароит яратиш.

Иккинчидан, ҳуқуқи бузилган фуқаро ёки тадбиркорлик субъектига оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низо билан бирга унга сабабий боғланишда бўлган зарарни ундириш талабини ҳам маъмурий судга билдириш ҳуқуқини тақдим этиш ҳамда бундай талабларни кўриб чиқишни маъмурий судлар ваколатига ўтказиш. Мисол учун, ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этиш мумкин эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризалар иқтисодий судларга тааллуқли иш ҳисобланса-да, мазкур низо оммавий-хуқуқий муносабатдан вужуд келгани боис, уларнинг маъмурий судлар ваколатига ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, маъмурий судларнинг оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан ижро қилинмаган

қилиш. Яъни тарафларга қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича келишув битимини тузиш ҳуқуқини бериш режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, тарафлар суд жараёнида келишувга эришгандан сўнг пайдо бўлган низо тўлиқ қарор билан ҳал қилинади. Шунингдек, судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаган сабабли қабул қилишни рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатиш таъқиқланади. Бунда даъво аризаси, ариза, шикоят ёки иш ишларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш белгиланмоқда.

Маъмурий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан аниқланган ҳолатлар бошқа ишни кўраётган фуқаролик ишлари бўйича суд учун мажбурий ҳисоблангани белгиланади. Эътиборлиси, бир суд иши доирасида баъзилари маъмурий судга, бошқалари фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни белгилаштириш таъқиқланади.

Шу билан бирга, бир қатор вазирлик ва идораларга маъмурий судларнинг ижро органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашдаги ўрни, маъмурий юстициянинг фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали ҳуқуқий механизм ҳисоблангани бўйича тематик кўрсатувлар ҳамда ижтимоий роликларни яратиш ва намойиш этиш каби вазифалар белгиланган.

Бундан ташқари, қарорда белгиланган вазифаларни ижро қилиш мақсадида судлар томонидан даъво аризаси, ариза, шикоят ёки иш ишларни кўриб чиқишга ваколатли судга ўтказиш бўйича “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, оммавий-хуқуқий низоларни ҳал этиш бўйича ижобий халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари тайёрланади, бошқа қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлифлар киритилади.

Ҳозирда фуқаролик ишлари бўйича ҳамда иқтисодий судлар томонидан кўриладиган оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган барча ишлар, шу жумладан, акцептсиз тартибда ундирилмаган ижро ҳужжати устидан шикоят қилиш билан боғлиқ ишларни маъмурий судлар тааллуқлигига ўтказиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши давлат органлари билан муносабатда фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш, маъмурий суд иш юритувини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ҳамда маъмурий судларни ҳақиқий халқ судига айлантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда, барча суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотлар замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, юридик шахслар ҳамда яқна тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш муҳимаси бўлган.

Зеро, келгуси беш йилда ушбу мақсад ва вазифаларнинг амалга оширилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, “Инсон қадрини улуғлаш” тамойилини тўлиқ ҳаётга таътиб этишга хисса қўшади.

“МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАСИ — ФУҚАРОЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БИЛАН БИРГА, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ САМАРАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ИБОРАТ.

71 минг 794 та ариза кўриб чиқилиб, 65 фоизи қаноатлантирилган. Яъни фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Бинобарин, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар, айниқса, маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячиси айлантириш ҳаётий заруратдир.

Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси — фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишдан иборат.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида жамиятда маъмурий судларга бўлган ишончини янада ошириш мақсадида давлат органлари томонидан суд қарорлари ижро этилиши устидан назоратнинг таъсирчан механизмларини жорий қилиш — адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш асосий мақсадлардан бири сифатида эътироф этилган.

тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан суд жарималарини қўллаш. Халқаро тажрибада мазкур амалиёт кенг қўлланилади. Бунда давлат органлари ёки ташкилотлари оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорини у қонуний кучга кирган қундан бошлаб бир ой давомида ижро қилиш ҳамда бу ҳақда маъмурий судга хабар бериши керак бўлади.

Давлат органлари ёки ташкилотлари томонидан оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган иш бўйича ҳал қилув қарорининг тақридан ижро қилинмагани учун давлат органлари ёки ташкилотларининг мансабдор шахсларига нисбатан дастлаб қўлланилган суд жаримасини оширилган микдорда қўллаш белгиланади. Мансабдор шахслар маъмурий суд қарорини бажармаган тақдирда уларга нисбатан “ошиб борадиган” жазима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш тартибини киритиш орқали шикоятлар сонининг камида икки баробар қисқаришига эришиш мумкин.

Тўртинчидан, оммавий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича тарафлар ўртасида ярашувга эришиш механизмини жорий

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Хорижий экспертлар Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирмоқда



Бошланиши 1-бетда



Олий даражадаги мунтазам алоқалар муҳим воқеа ва ҳодисалар, жумладан, дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги, Марказий Осиё ва Хитой давлат раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган виртуал саммити занжирига мантаник болганмоқда.

Тошкент ва Пекин ўртасидаги олий даражадаги расмий дипломатия энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация, фармацевтика sanoati, транспорт aloqasi ва инфратузилма соҳасидаги аниқ лойиҳалар билан қўллаб-қувватланмоқда.

Ушбу ташриф нафақат Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг сермазун кун тартиби, балки икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик муносабатларининг ҳам тасдиғи бўлди, деб ҳисоблайман.

Тецуи Танака,
Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш илмий-тадқиқот институти бош директори (Япония):

— Ушбу ташриф доирасида Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари ўртасида ўтган музокаралар самарали бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Мозори Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлини барпо этиш бўйича илгари сурилган ташаббусни инобатга олган ҳолда, Тошкент ва Пекин ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири, бу — Марказий Осиё минтақасининг транспорт-



логистика салоҳиятини юксалтириш ва Покистоннинг Гвадар портига кириш имкониятини кенгайтиришдир.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти 25 январь куни Марказий Осиё давлатлари ва Хитой раҳбарларининг виртуал саммити чоғида Ўзбекистон махсулотларини Хитой бозорида экспорт қилиш ҳажминини ошириш имконини берувчи “Хитой — Қирғизистон 1 Ўзбекистон” темир йўл қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича илгари сурган ташаббусининг долзарблиги янада ошмоқда.

Виктор Ким,
Тожикистон Миллий фанлар академияси Осиё ва Европа мамлакатлари институти катта илмий ходими:

— Пекинда бўлиб ўтаётган XXIV қишки Олимпия ўйинлари нафақат йилнинг асосий спорт мусобақаси, балки дунёда тинчлик ва умумбашарий фаровонликка эришишга ундайдиган йirik халқаро тадбир сифатида ҳам тарихга киради. Унда Хитой Раиси Си Цзиньпиннинг тақдифига биноан қатор давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлар етакчилари иштирок этди. Қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг барчаси қатнашгани бежиз эмас. Бу Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг изчил сиевати натижасидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг дўстлик, ишонч ва яқин қўшничиликка асосланган изчил ташки сиевати тўғрисида Марказий Осиё дунёда ягона минтақа сифатида эътироф этила бошланди. Давлат раҳбарларининг 25 январь куни “Марказий Осиё — Хитой” ва 27 январь куни “Марказий Осиё — Ҳиндистон” шаклларидаги онлайн-саммитлари Марказий Осиёнинг ҳамжихат ривожланишида муҳим босқич бўлди.



Бенуа Мейер,
“Athleting Club” спорт коммуникация агентлиги ривожланиш бўйича директори (Франция):

— Франция ва Европада спорт маркетинги соҳасида фаолият юритаман. Хитой пойтахтида бошланган қишки Олимпия ўйинлари спорт оламининг муҳим воқеасидир. Мазкур спорт тадбири, албатта, Ўзбекистон учун ҳам аҳамиятли. Мазкур йirik тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Пекиндаги “Қуш уяси” миллий стадионида ўтган маросимда спортнинг тоғ чангиси тури бўйича қатнашаётган Ўзбекистон вакили — Комилжон Тўхтаевни давлат раҳбари шахсан оқиллаганини эътирофга молик воқелик, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистон — улкан ва бой маданият, узок йиллик спорт тарихига эга мамлакат. Сўнги йилларда аънаваный спорт турлари билан бирга қишки спорт турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор тахсинга сазовор.

Жумладан, қишки спорт инфратузилмасини ривожлантиришга катта молиявий ресурслар ажратилмоқда. Бунга мисол тариқасида Тошкент вилоятида Франция компаниялари концорциуми билан ҳамкорликда умуммавсуумий туризм мажмуаларини бунёд этиш




бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларни келтиришимиз мумкин.

Ушбу йўналишда изчил ислохотлар ҳаётга таътиб этилмоқда. Ўзбекистонда, биринчидан, спортчиларга қулай шароит яратиш мақсадида қўллаб-қувватланган барпо этилиб, инфратузилма яхшиланяпти, иккинчидан, уларнинг тайёрлов-тайёргарлик жараёнини жаҳон стандартлари асосида ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда, учинчидан, хорижий мамлакатлардан малакали мурабийлар тақдиф этилиб, уларнинг таърибасидан самарали фойдаланилаётган.

Мен Хитойда бошланган қишки Олимпия ўйинларида Ўзбекистон вакилига муваффақият тилайман.

ҚАДРИЯТЛАР БЕШИГИ



Эски шаҳар маҳаллалари

замонавий Тошкент қўйнидаги кўҳна жавоҳир ёҳуд дунё миқёсида эътироф этилган маданий мерос

Пойтахтимиз, кўҳна Тошкент қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда: кўпқаватли уйлар қад ростлапти, кўприклар, хизмат кўрсатиш объектлари, боғу роғлар, хиёбонлар бунёд бўляпти. Пойтахтга уч-тўрт йил аввал келган меҳмон бу галги ташрифида шаҳарни таниёлмай қолганини сўзлайди. Йўллар четида салобат тўкиб турган баланд-баланд иморатларга ҳайратланиб боқади, тобора чирой очаётган пойтахт гўзаллигини ҳаяжон билан эътироф этади. Чиндан ҳам шаҳар улкан бунёдкорликлар қуршовида. Ижобий ўзгаришларнинг аҳоли кайфияти, турмушига ҳам таъсир ўтказгани сезилади.

Башорат ЮНУСОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ана шу замонавийлик, жадаллик ичра сокин бир гўша хоридан юртимизга ташриф буюрган меҳмонлар ва сайёҳларни ўзига жалб этади. Юртимизнинг ўзига хос мейморий намунаси сифатида қад кўтарилган Ўзбекистондаги Ислоом цивилизацияси маркази гўшазлари ортида эртанонанд гўша, пойтахтнинг "юраги", "жонтомири", дея эътироф этилмиш эски шаҳарнинг бир қисми жойлашган. Бир-бирига улашиб кетган пастак уйлар, лойсувоқ деворлар, тор кўчалар, самимий, истараси иссиқ одамлар — барчаси бу ерга келган меҳмонларни тарихга етаклайди. Маҳалланинг суҳбати ширин аҳли, нурунийлари, ҳатто ёшлари ҳам келгани беғона санамайди. Суҳбатга сунъийлик юқтирмайди. Халқимизга хос эзгу феълиятлар, аъёнлар, қадриятлар айнан шу маҳаллада сақланиб келмоқда.

Аспарга тендош уйлар, дарахтлар, аъёнларни ўз кўзимиз билан кўриш, юртошларимиз билан дилдан суҳбатлашиш учун маҳалла томон йўл олди.

БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА — ОТА-ОНА

Абдулла Қодирий боғи ҳамда кўҳна Чорсу бозори ўртасидаги йўл — Зарқайнар. Хастимом маҳалласининг асосий кўчаларидан бири.

Собиржон ота Пулатовнинг ҳикоя қилишича, маҳалла аҳлининг аксари шу ерда туғилиб, ўсган. "Ота-онанинг чиройи"ни ёқиб ўтиради, руҳига бағишлаб фотиҳа ўқийди. Кўп оилали хонадонларнинг бошқа жойга кўчиб чиққан фарзандлари ҳам маҳалладан оёқ узиб кетолмайди.

— Маҳалламиз тинч, ортиқча шовқиндан холи, — дейди Собиржон ота. — Бироқ кўчаларимиз ҳаминча болалар билан гавжум. Мақтаншга йўлмангу, бу ерда одамларнинг аҳил-иноқ яшашига ҳар қадамда гувоҳ бўласиз. Маҳалладошларнинг эл билан кенгашиб иш тутиши кичик табдирни ҳам қариндош-уруғ, қўни-қўшни билан маслаҳатлашиб ташкил этишида сезилади. Ҳамма бир-бирини танийди, синашга. Бир-биримизни йўқлаш, ҳолимиздан хабар олиш учун байрам ёки дам олиш кунларини кутиб ўтирмаймиз. Гузарга чиқиб ўтирсак, катта ҳам, кичик ҳам салом бериб ўтади. Ҳол сўрайди. Бизни қувонтиргани, ёшлар суҳбатимизни, панд-насиҳатларимизни, ўғитларимизни эшитишга. "Шошиб турувдим", "Сизга нима", қабилида қабул қилмайди. Хурсанд бўлган. Бу қадриятни маҳаллада камолга етётган болалар ҳам кўриб улғайяпти. Уч фарзандим, тўққиз неварам бор. Бир ўғлим бошқа маҳаллада ашайди. Лекин невараларим кунда-кунора шу ерда. Укам ҳам ҳафтада бир-икки бор келиб, бизни кўриб кетади. Гузарда нурунийлар билан суҳбатлашиб ўтирамизми, кўчадами, ёшларнинг тарбиясини кузатамиз. Салом беришдан тортиб, қаерда юрибди, нималар билан бандлигигача қизиқамиз. Тарбиясида кичкина кўсур кўрсак, танбех берамиз. "Хафа бўлма, буни айтиш — вазиғамиз, сизнинг тарбиянгизга ота-онанингдан ташқари биз ҳам масъулмиз", деймиз. Чунки "Бир болага етти маҳалла — ота-она", ўзимиз ҳам шу руҳда ўсганимизда. Яна бир томони, маҳаллага келган беғона одамни ҳам тўхтайтиб, қимлиги билан обдон қизиқамиз.



Бу уйлар хонадон сохибларига бобомерос саналади, халқ тилида айтганда, "ота-буваларидан қолган". Кексаларнинг ҳикоя қилишича, улар болалигида қиш кунлари томлар тизза бўйи ёққан қордан тозалангач, томдан қорга сакраб уйнаган. Эски услубда қурилган, тоқили уйларнинг лойсувоқ томлари 1966 йилги Тошкент зилзиласидан сўнг алмаштирилган. Ёғоч ташлаб, қайтадан ёпилган. Қўшсинч, лўмбози қалин бу уйлар қишда иссиқ, ёзда салқин. Бу қадимий уйларнинг замонавий кондиционерга эҳтиёжи йўқ.

"БОБОМДАН МЕРОС ХУНАР НЕВАРАЛАРИМГАЧА ЕТИБ КЕЛДИ"

Мамлакатимиз ўзининг асрий аъёнларига эга хунармандчилик маҳсулотлари билан сайёҳлар эътиборини тортиб келади. Халқимиз маданий шакллари бойитиш билан ўз устачилиги тарихини сақлаб қолишга эришган. Хунармандчилик аъёнлари оилавий сир сифатида авлоддан-авлодга ўтишга муваффақ бўлган. Хастимомда ҳам бу аъёна яхши сақланган.

Маҳаллада хунармандлар кўп: мисгар, заргар, дурадгор, маҳсидўз, бешиқсоз, чевар... Уларнинг аксарияти ўз хунарини ота-бобосидан ўрганган, яъни авлоддан-авлодга мерос қолдирилган.

Миркомил Зокиров маҳалла нурунийларидан. Шу маҳаллада туғилиб, ўсган. Болаликдан ёғоч билан ишлаш ҳадисини олган, кўзи пишган. Бобоси уста Зокирни чор-атрофдагилар яхши таниган. Тошкентнинг аксар болалари уста Зокир ясаган бешикда катта бўлган. Зокир отадан сўнг бу хунар ўғли Мирҳалимга, ундан Миркомил акага ўтган. Айни пайтда Миркомил аканинг икки ўғли ҳамда неваралари бу касбни давом эттиришмоқда.

— Ақлимни танибманки, бешиқчиликка эшман. Шу хунар ортидан фарзандларимни оёққа қўйдим, невараларимнинг таълим олиши учун қўлдан келганча ёрдам бераман, — дейди уста. — "Хунарманд" уюшмаси аъзоси Миркомил Зокиров. — Бешиқчилик бобомерос хунар. Оилада тўрт ўғил бўлганми, барчамиз бу касбни ўргандик. Икки ўғил давлат хизматида ишлади, лекин ўз хунари ўзи билан. Баъзан бизникига келса, ишимизга ёрдамлашарди. Ота ҳовлимизда қолган укам Миржалол иккаламиз бир умр шу касбга боғландик. Бугунги кунда икки ўғлим, ҳатто қиз невараларим ҳам бешиқ ясаб сирлари билан таниш. Касбимни яхши кўраман, ёғоч билан ишласам, дам оламан. Диққатимиз хомашё тайёр маҳсулот шаклига келгунга қадар жараён билан банд бўлади, бекор хаёл суришга вақт йўқ. Бешикда гўдак ётади, тоза ният билан ишлаш деб ўғит берган. Касбимизнинг илк сирини маҳсулот учун хомашё танлай билишда. Бешиқ учун тут ва тол дарахтини танлаймиз. Тут дарахти хосиятли. Бешиқдаги иқлимни метёрида ушлаб туради. Сотиб олинган ёғочларни ҳовлига тик қилиб қўямиз. Саратон кўрган ёғоч нам бўлмайди, қуруқ ёғочга эса зараркунданлар келмайди, бола тинч ухлайди.

Ёғочнинг бешикка айланишига ўртача икки кун керак. Асосан, буюртмаларга ишлаймиз, ортганини бозорга чиқарамиз. Бешиқ нархи 300 минг сўмдан бошланади. Одамларнинг талабига қараб, замонавий беланчак ва бошқа маҳсулотлар ҳам ясаб берамиз. Маҳалламиз худудда Ислоом цивилизацияси маркази қуриляпти. Ҳадемай бу марказ битиб қолса, хорчилик ҳамда юртимизнинг турли худудларидан сайёҳлар қадами узилмайди. Улар учун ҳам маҳсулот



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВГАГА ЎТИНГ.

"Биз йўл-йўлакай яна кўп кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг орасида "Сизлар кимсизлар? Бу ерда нима ишингиз бор?" деб сўраб, ортидан "Узр, тўғри тушунасизлар, маҳалла — бизнинг уйимиз, ким келяпти-ким кетяпти, билишимиз керак" деганлар ҳам, "Узоқ йиллик қадрдонидай илиқ сўрашганлар ҳам, "Бир пиёла чой ичмай кетсанлар, уят бўлади", дея самимий лутф қилганлар ҳам бўлди.

"БУ ДАРАХТ ОНАМНИНГ ТУҒИЛГАНИНИ ХАМ, ДУНЁДАН ЎТГАНИНИ ХАМ КЎРГАН"

Маҳалланинг яна бир хосияти — ҳовлилардаги дарахтларда. Бу ерда кўпни кўрган нурунийлардан ҳам еши улғур дарахтлар бор.

Биз Тохир Толипов хонадонидамиз. Бу ҳовлида бир асрдан зиёд тарихнинг гувоҳига айланган, йиллар суруни, даврлар силсиласидан омон чиққан дарахт бор. Уни Тохир аканинг буваси — Яхё бобо ёшчилигида эккан экан. Бир қарашда ҳовли юзиде салобат тўкиб турган 3 та дарахтнинг қайси бири кекса эканини билолмай, ҳайрон бўлдик.

— Бу дарахтлар — нок, ўрик, гилос. Ўриқни эканимга қирқ йилдан ошди. Гилос нисбатан ёш. Нокнинг экилганига эса 120 йилча бўлдиёв. Дарахт нави тошнок аталиб, бошқа навлардан фарқи жуда секин ўсади, — изоҳ берди Тохир Толипов. — Онам раҳматининг бу дарахт билан боғлиқ ҳикоялари жуда кўп эди. Биз онамизнинг гоҳ қувончли, гоҳ қайғули ҳикояларини тинглаб улғайдик. Дарахт онамнинг туғилганини ҳам, дунёдан ўтганини ҳам кўрган. Онам 1922 йили шу ҳовлида туғилган. Ўша кезларда дарахт ҳосил қилган экан. 1964 йили биз бу ҳовлига кўчиб ўтдик. Бобо-бувимизни, ота-онамизни сархил мевалари билан суйлаган дарахт ширин мазаси билан бизни ҳам баҳраманд қилди. Фарзандларим, невараларим, қўни-қўшнилари ҳам оғзи тегди. Дарахт кексайди, беш-олти йилдан буён меваси камайди. Айрим шохлари қуриб борапти, бироқ ҳали яшади. Айрим ҳовлиларда олти-етти, ҳатто 100 йиллик тут дарахтларини учратдик. Нурунийларнинг айтишича, ернинг захини тортиш учун ота-боболари тўт эккан экан.

Ҳа, ота-боболаримиз уйдаги иқлимни тутиб туришининг табиий усуллари билан, тут тупроқнинг намини тортишдан ташқари ҳовлини қуёшнинг таъсиридан сақлаган, тотли меваси билан қишдан чиққан танани дармондорига тўйинтирган.

"Биз ўқиган мактабда фарзандларимиз ҳам ўқимокда"

Садоқат Тожибоева маҳалланимизни, унга ҳавас қилганлар кўп бўлди — маҳалладан чиқмади. Ҳам қиз, ҳам келин сифатида маҳалла хизматиде. Садоқат саёҳатимиз давомида бизга хамроҳлик қилди.



Йўлда учраган ҳар бир болақайнинг исмини айтиб, саломига алик олаётган, айрим болаларга танбех бераётган ўттиз беш ёшлар атрофидаги бу аёл билан суҳбатимиз фарзандлар тарбиясига кўчди.

— Эртдан кечгача ишдаман, — дейди у. — Икки қизим бор. Уларнинг тарбиясига масъулиятимиз, бироқ маҳалланинг ижобий таъсиридан қувонаман. Чунки ўзим шу маҳаллада қадрият даражасига кўтарилган меҳр-оқибат ичида улғайдим. Бу муҳит фарзандларимни ҳам катта қилляпти. Боланинг беғонаси йўқ. Барчамиз болаларга масъулмиз. Айниқса, ёши улғур нурунийларнинг борлиги — бахтимиз. Уларнинг панд-насиҳатлари, ўғитлари таъсирида улғайган болалар меҳр-оқибатли бўлади. Энг қувонарлиси, фарзандларимиз биз ўқиган мактабда ўқийди. Уларга таълим бераётган ўқитувчиларнинг айримлари бизнинг ҳам устозларимиз. Ўқитувчиларимизга меҳримизни болаларимиз ҳам кўриб улғайяпти.

Биз йўл-йўлакай яна кўп кишилар билан суҳбатлашдик. Уларнинг орасида "Сизлар кимсизлар? Бу ерда нима ишингиз бор?" деб сўраб, ортидан "Узр, тўғри тушунасизлар, маҳалла — бизнинг уйимиз, ким келяпти-ким кетяпти, билишимиз керак" деганлар ҳам, "Узоқ йиллик қадрдонидай илиқ сўрашганлар ҳам, "Бир пиёла чой ичмай кетсанлар, уят бўлади", дея самимий лутф қилганлар ҳам бўлди.

Ёши саксонни қоралаб бораётган Қамарисо ая ўн тўққиз ёшида шу маҳаллага Олмаотадан келин бўлиб тушган экан. Аянинг айтишича, 57 йилдан буён маҳалланинг иссиқ-совуғини ўзиники, деб қабул қилди. Қўшиллар билан "қирди-қикди"лари узилмайди. Аҳолининг масъулиятдан қувонади. Бироз тоби қоч-



са, эшигидан қўшилларнинг оёғи узилмаслигини, меҳр энг яхши даво эканини таскиллайди. "Омина-хонсиз томоғимдан ширин лўқма ўтмайди. Мен ема-сам ҳам у ейиши керак", дея самимий табассум қилди ая қўшни ҳовлига ишора қилиб.

Ҳа, маҳалла — тарбия ўчоғи. Маҳаллаларга, ундаги қадрият ва аъёнларга катта эътибор қаратилганда ҳам чўқур маъно бор.

ЭСКИ ШАҲАР МАҲАЛЛАРИ ЮНЕСКО БУТУНЖАОН МАДАНИЙ МЕРОСИНING ДАСТАБКА РУЙХАТИДА

Маҳалла тобора кичрайиб борапти. Илгари одамлар тилидаги "жинқўчалар" деярли йўқ. Тор кўча ва берк йўлакларига сарқаниб қолган.

— Маҳалламизда 6276 киши истиқомат қилади, уларнинг 3625 нафари аёллар. Айни пайтда аҳолини қайта ҳатловдан ўтказяпмиз, чунки "Аёллар дафтари"нинг навбатдаги бошқисини шакллантиряпмиз, — дейди "Хастимом" МФЙ раиси ўринбосари Саноят Яхёева. — Ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногиронлиги

Маҳалла тобора кичрайиб борапти. Илгари одамлар тилидаги "жинқўчалар" деярли йўқ. Тор кўча ва берк йўлакларига сарқаниб қолган.

— Маҳалламизда 6276 киши истиқомат қилади, уларнинг 3625 нафари аёллар. Айни пайтда аҳолини қайта ҳатловдан ўтказяпмиз, чунки "Аёллар дафтари"нинг навбатдаги бошқисини шакллантиряпмиз, — дейди "Хастимом" МФЙ раиси ўринбосари Саноят Яхёева. — Ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган, ишсиз аёлларга давлат томонидан кўмак кўрсатилмоқда. Шу орқали уларнинг муаммолари ўз жойида ҳал бўлмоқда. Энг қувонарлиси, олий ўқув юртига кирган ёшларимизнинг контракт пулини тўлашда ҳам ҳукуматимизнинг ёрдами катта бўляпти.

Шуни эътироф этиш керакки, яқинда Тошкент маҳаллалари ЮНЕСКО Бутунжаон маданий меросининг дастабки руйхатига киритилди. Бу жаҳон миқёсидаги тарихий воқеа сифатида эътироф этилмоқда.

Хабарга қўра, Эски шаҳар маҳаллалари маданий қатламларини сақлаб қолиш бўйича дастабки қадамлар 2019 йилда, Венеция архитектура биенна-лесиде тақдим этилган "Маҳалла: шаҳар ва қишлоқ ҳаёти" лойиҳаси ишлаб чиқилганда амалга оширилган эди. Маҳаллаларимиз халқроқ экспертлар томонидан эко-архитектурадан тиклаш, замонавий шаҳарларни оммавий урбанизациядан асраш, шунингдек, ижтимоий қадриятлар ва жамоавийликни сақлаб қолиш усули сифатида эътироф этилди.

Дарҳақиқат, бугун халқроқ экспертлар назари-га тушган бу гўшада ўзбекона ҳаёт, турмуш тарзи, урф-одат ва аъёнлар тўлиқ сақланган. Бу эса, кел-гусида мамлакатимиз туризм салоҳиятининг юксали-шида, миллий рўҳининг бардавомлигига муҳим ўрин тутайди.

Дарвоқе, яна бир гап. Эски шаҳар маҳаллалари ва бу ерда яшаётган одамлар бугун янги Ўзбекистон исплохотларидан ҳам баҳраманд бўлиб келяпти. Бу жиҳатлар уларнинг дунёқараши ўзгарганида, ҳаётдан рози эканида, маҳалладаги, юртдаги ўзгаришларга дахлдориқ хисси эҳтироғида кўзга ташланади.



ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

Янги Ўзбекистон ривожланиш соҳасида янги даврга қадам қўймоқда. Президентимиз томонидан белгилаб берилган "Инсон кадри устувор бўлган жамият ва халқпарвар давлат" деган улғувор мақсадни рўёбга чиқариш йўлида кенг қамровли амалий ишлар режалаштирилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, аввало, мамлакатимизда яқин келажакда амалга оширилажак ислохотларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилмоқда. Тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши миллий иқтисодийetni ривожлантириш ва унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлашдан иборат. Бунинг учун мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва жозибдорлигини ошириш вазифаси қўйилмоқда.

Тўғридан-тўғри Хорижий инвестициялар

"Навий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятини замонавий компанияга айлантириш ва жаҳон молия бозорига чиқишда кенг имкониятлар яратади

Қурбонмурод ТАПАРОВ,
"НКМК" АЖ бош директорининг ходимлар ва маъмурий масалалар бўйича ўринбосари,
Нурмат ДЖУЛИБЕКОВ,
"НКМК" АЖ нинг маъмурий масалалар бўйича директори

"Навий кон-металлургия комбинати" давлат корхонаси мулкни негизда қимматбахо металлургия ишлаб чиқарувчи "Навий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти, табиий уран ва нодир металлургия қазиб олиш бўйича "Навий-уран" давлат корхонаси ҳамда комбинатнинг ижтимоий соҳа объектларини ўзидан муҳассас этган "Навий кон-металлургия комбинати жамғармаси" давлат муассасаси ташкил этилди. Албатта, бундай йирик корхонани ислох қилиш мураккаб жараён бўлиб, қатор ташкилий тадбирларни амалга ошириш, бошқарув ва ҳисоботларни юритиш тизимига замонавий услубларни жорий этишни тақозо қиларди. Трансформация жараёнлари айнан ана шу талаблар асосида олиб борилди.

Трансформация — давр талаби

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти глобаллашув даврини бошдан кечиряпти. Иқтисодий жараёнлар жадаллашиб, рақобат кучаймоқда. Бундай шароитда мамлакат иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилмасдан қўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бу соҳада Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш комбинат жамоаси учун дастуруламал бўлмоқда.

Навий кон-металлургия комбинатининг республика sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 13 фоиздан кўп, давлат бюджетига жами тушувларининг улуши эса 20 фоизга яқин. 2021 йилда комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 80 тоннадан ошиб, жаҳонда бу борада фаолият юритувчи компаниялар рейтингига 5-ўринни эгаллади.

Маълумки, яқин вақтгача Навий кон-металлургия комбинати давлат корхонаси сифатида фаолият юритиб келарди. Комбинатни халқаро молиявий бозорнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айлантириш, унда корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш, рақобатбардошликни ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва энг асосийси, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида корхонани трансформация қилиш жараёнини бошлаб юборилди. Навий кон-металлургия комбинати бунунг кунда акциядорлик жамияти сифатида фаолиятини олиб бормоқда.

Комбинатда ўтган 2019-2021 йиллар мобайнида трансформация жараёнларини, яъни акциядорлик жамиятини ташкил этиш бўйича қўйилган ишлар амалга оширилди.



Акциядорлик жамиятининг кадрлар салоҳиятини ошириш кўзда тутилди, "хэд-хантер" ташкилотларини жалб қилган ҳолда етакчи чет эл компанияларида фаолият юритган хорижий ва маҳаллий мутахассисларни комбинатнинг раҳбарлик вазифаларига тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳон молия бозорига чиқиш мақсадида...

Акциядорлик жамияти сифатида иш бошлаган комбинат жамоаси олдида трансформация жараёнларини давом эттириш, жаҳон молия бозорига чиқиш бўйича қатор вазифалар турирди.

Биринчидан, "НКМК" АЖ учун молиявий ҳисоботларни МХХСга мувофиқ тайёрлаш ишлари амалга оширилиб, ушбу ҳисоботларни халқаро аудиторлик компанияси томонидан аудитдан ўтказиш режалаштирилган.

Иккинчидан, комбинатнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, шу жумладан, халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Жумладан, комбинат томонидан 2020-2021 йиллар мобайнида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун хорижий банкларнинг 1,4 миллиард доллар миқдорда кредит маблағлари жалб қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда НКМК балансида бўлган қимматбахо металлургия муаммалари захираларининг 90 фоизини ўзидан муҳассаслаштирган 29 та кон Австралия кодекси JORC Code стандартлари талаблари асосида тўлиқ қайта баҳоланди. Шунингдек, Навий шахрида замонавий геологик намуналар (кернлар) сақлаш омбори бунёд этилди. Комбинатнинг 6 нафар мутахассиси Австралия кончилик ва металлургия институти (AusIMM) аъзоси сифатида JORC Code стандартига мувофиқ ҳисобот тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Комбинат мутахассислари томонидан халқаро экспертлар ва етакчи консалтинг компанияларни жалб қилган ҳолда корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларига мос равишда "НКМК" АЖнинг тўдан янгича корпоратив тузилмаси ишлаб чиқилди ва жорий қилинди.

корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида "НКМК" АЖнинг Кузатув кенгаши таркибига халқаро тажрибага эга бўлган 2 нафар мутахассис аъзо — хорижий экспертлар киритилди.

Хорижий ҳамкорлар ишончи — катта масъулият

Комбинатда 2019 йилда бошланган трансформация жараёни унинг дастлабки натижаларини бера бошлади. Шунингдек таъкидлаш жоизки, 2021 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган "Ўзбекистон: иқтисодий ислохотлар сарҳисоби ва истиқбол" мавзусидаги халқаро иқтисодий форуми доирасида Навий кон-металлургия комбинати ва Россиянинг "ВТБ" банки ўртасида имзоланган гаровсиз 1 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратиш тўғрисидаги битим хорижий ҳамкорларнинг корхонамизга бўлган катта ишончидан далолат беради.

Ўз навбатида, хорижий молия институтларининг кредит маблағларини жалб

қилиш имконини яратган асосий омиллардан бири — комбинатнинг молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида тайёрлашдир. Бу трансформациянинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Комбинатда 2022-2026 йиллар учун тасдиқланган инвестиция дастурига асосан, 2,1 миллиард АҚШ долларида заҳмат маблағ ўзлаштирилиши режалаштирилган. Бугунги кунда "Пистали" кони негизда йилига 4 миллион тонна олтин маъданини қайта ишлайдиган 6-гидрометаллургия заводининг қурилиши авж паллага чиққан. Шунингдек, яқин йилларда "Нукракон" ва "Косманачи" конларидан қумуш таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуалари қурилиши ҳамда "Турбой", "Қорақўтан" олтин конларида маъданларни қазиб олиш лойиҳалари амалга оширилади. Натижада, 2026 йилдан комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 16 фоизга, қумуш ишлаб чиқариш эса қарийиб 10 баробар ошади.

Операцион самарадорликни ошириш йўлида

Мамлакатимиз жаҳоҳири ҳисобланган Қизилқум бойликларини самарали қазиб олиш, комбинатда қимматбахо металлургия ишлаб чиқаришни кўпайтириш дастури ижросини таъминлаш, "НКМК" АЖнинг инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш,

амалдаги инвестиция дастурини қайта қўриб чиқиш ва янгилаш, қазиб олиш ва қайта ишлашнинг операцион самарадорлигини ошириш мақсадида жаҳондаги малакали консалтинг компаниялари жалб қилинди.

Ушбу компанияларнинг экспертлари комбинатнинг геология, кончилик ва маъданни қайта ишлаш бўйича мутахассислари билан биргаликда корхонага тегишли бўлган конлар ва қайта ишлаш заводларидаги барча жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг таннаҳини қамраб олувчи мақсадида уларни янада оптималлаштириш ҳамда жаҳондаги илгор тажрибаларни жорий қилиш йўналишида иш олиб бормоқда.

Харидлар соҳасида замонавий халқаро амалиёт тамойиллари жорий этилмоқда. Жумладан, Буюк Британиянинг "Alvarez & Marsal" консалтинг компанияси билан



ҳамкорликда халқаро тажрибага асосланган харидлар тизими концепциясини ишлаб чиқиш ва харидлар шаффофлигини таъминлаш, бу борада кенгайтирилган бошқарув ҳисобдорлигини шакллантириш ҳамда инвестиция ва операцион фаолиятда харажатларни имкон қадар мақбуллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Тараққиётнинг янги имкониятлари

Янги Ўзбекистон даврга очилмоқда. Жаҳоннинг қўллаб қувватлаган ва етакчи молиявий компаниялари мамлакатимизда олиб борилаётган очик ташқи сибат ва кенг қўламли ислохотларга хайрихоҳлик билан қарамоқда.

Давлат тасаруфидоги корхонага корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий қилган ҳолда, унинг акциядорлик жамиятига трансформация қилиниши инвестиция жозибдорлигини оширади. Қолаверса, корхонани янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида унинг қимматли қозғаларини фонд биржаларида жойлаштириш орқали молиялаштиришни жалб қилиш акциядорлик жамиятларининг асосий хусусияти ҳисобланади.

Шу боис, 2022 йилда Лондон фонд биржасида "НКМК" АЖнинг еврооблигацияларини жойлаштириш, 2023-2024 йилларда эса акциядорлик жамиятининг акцияларини бирламчи (IPO) ва иккитамчи (SPO) оммавий тақлиф асосида сотувга қўйилиши мўлжалланмоқда.

Албатта, белгилаган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун жамоамиз хар бир аъзосининг фаол иштироки талаб этилади. Комбинат жамоасининг ҳамжиҳатлигидаги фидокорона меҳнатини қўзланган марраларни эгаллаш имконини беради. "Навий кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти яқин йилларда халқаро андозлар асосида фаолият юритадиган, халқаро миқёсда унинг мустаҳкам ўрнига эга замонавий компанияларидан бирига айланишига ишончимиз комил.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бренд яратишнинг ҳуқуқий жиҳатлари

контрафакт маҳсулотлар савдосининг олдини олиш ва ҳалол тадбиркорликни ривожлантиришга замин яратади

Ривожланган давлатлардаги тадқиқотларнинг кўрсатишича, интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ фаолият орқали тушадиган даромад мамлакат ялпи миллий маҳсулотининг 5-12 фоизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам интеллектуал мулк ҳимоясини ривожлантириш, қалбаки маҳсулотлар савдосига қарши курашни кучайтириш барча мамлакатлар учун долзарб вазифага айланиб бормоқда.



Дилфуза ИСМОИЛОВА,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги етакчи мутахассиси

Табиийки, ҳар бир инсон сифатли, ўзининг дидига мос маҳсулот харид қилишни истайди. Шу боис, дўкон ёки бозордан ўзига ёққан маҳсулотни излайди. Лекин шундай товарлар бўладикки, уларнинг қалбакисини ҳақиқийсидан ажратиш бироз мушкул. Яъни истеъмолчи контрафакт маҳсулот харид қилиб, адашиши ёки чалғиши мумкин. Буни эса харидор уйга келганда ёки маҳсулотни истеъмол қилганидан кейин сезиб қолади. Контрафакт маҳсулотлардан мамлакат иқтисодиёти ва истеъмолчилар бирдек зарар кўради. Бундай маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермагани туфайли унинг истеъмол қилиниши натижада инсон соғлигига жиддий зиён этади. Бу оила ва давлат бюджетига ҳам бирдек зарар етказиши.

Бундай муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Президентимизнинг 2021 йил 28 январдаги "Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан юртимизда хар йили 15 февралдан 15 мартга қадар контрафакт маҳсулотлар савдосига қарши курашиш ойлигини ўтказиш белгиланган.

Ушбу ойлик давомиди Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бозорлар, савдо мажмуалари ва кўчма савдо масканларида контрафакт маҳсулотлар реализациясининг олдини олишга қаратилган профилактика тадбирларини ўтказди. Бунда, аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган контрафакт маҳсулотлар айланмасига қарши кураш олиб борилди. Бундай маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни оғохлантириш ва ноқонуний

Агентлик ушбу ойликни ўтказиш орқали тадбиркорларни ҳалол рақобатга қўриқиб, ўз товар брендига эга ишлаб чиқарувчилар бизнесини ҳимоялаш, савдо расталарида контрафакт маҳсулот айланишини чеклаш ҳамда аҳоли орасида сифатли, ишончли маҳсулотларни харид қилишни тарғиб этади. Энг муҳими, савдо дўконларида савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнида асл маҳсулот ишлаб чиқарувчиси тўғрисида истеъмолчилар тўлиқ маълумотга эга бўлиши ва истеъмолчини чалғитувчи контрафакт маҳсулотлар реализациясининг олдини олишга эришилади.

Қайд этиш керакки, агентлик контрафакт маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш мақсадида нафақат "Контрафактсиз ой" ойлиги давомиди, балки доимий равишда тегишли тадбирларни амалга ошириб боради.

Хусусан, 2021 йилда ўтказилган 70 дан ортиқ кузатиш жараёнида аниқланган контрафакт маҳсулотларнинг ҳар бири ўрганилиб, босқичма-босқич уларнинг ишлаб чиқарувчиларига нисбатан ҳуқуқбузарликнинг даражасидан келиб чиққан ҳолда оғохнома, тақдимнома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома каби таъсир чоралари қўлланилди. Жумладан, хозирги кунга қадар 950 дан ортиқ ҳолат бўйича контрафакт маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлик субъектлари аниқланиб, 257 тасига нисбатан қонунибузилишлар, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида қўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритилган.

Шунингдек, қонунчиликни бузиш орқали маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳолатлар юзасидан 68 та тадбиркорлик субъекти раҳбарларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиб, судларга юборилди. Бундан ташқари, интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузилишига йўл қўймастик ҳақида 605 нафар мансабдор шахс ёзма равишда оғохлантирилди.

66 Контрафакт маҳсулотлардан мамлакат иқтисодиёти ва истеъмолчилар бирдек зарар кўради. Бундай маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермагани туфайли унинг истеъмол қилиниши натижада инсон соғлигига жиддий зиён этади. Бу оила ва давлат бюджетига ҳам бирдек зарар етказиши.

ҳаракат учун жавобгарликни кучайтириш йўлга қўйилади. Истеъмолчиларга қалбаки товарни аслидан фарқлашни ўргатиш ва кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида тушунириш ишлари олиб борилади. Қолаверса, фуқароларнинг маъзуру соҳага оид ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилади.

Шунингдек, агентлик томонидан "Бренд яратишнинг ҳуқуқий жиҳатлари" мавзусида тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг фаолияти учун товар белгиларини жорий этиш бўйича амалий ва консултиватив ёрдам кўрсатиш назарда тутилган учрашув, давра суҳбатлари ва маҳорат дарслари ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, контрафакт маҳсулотлар каталогини (озик-овқат, дори-дармон, парфюмерия ва бошқалар) яратилиб, 5 минг нусхада дастлаб Тошкент шаҳрида жойлашган бозорлар, йирик савдо мажмуалари, кичик савдо расталари ва дўконларига тарқатилди. Контрафакт маҳсулотларнинг инсон соғлигига зарари ҳамда уни ишлаб чиқарганлик ва сотганилик учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида оғохлантиришлар берилди.

Агентлик бу борада тадбиркорлар билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Зеро, ушбу ташаббус ўз фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйган тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш учун муҳим омилдир.

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ



БОЙСУН: ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ АҲОЛИ ТУРМУШИДА СЕЗИЛМОҚДА

Бойсун — инсониятнинг илк манзилгоҳларидан бири сифатида ўзининг моддий ва номоддий маданий мероси, гўзал табиати, минг йиллик ўлмас қадриятлари билан дунёга маълум машҳур. 2001 йилда ЮНЕСКО томонидан Бойсун инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари сифатида эътироф этилди. Шунингдек, 2008 йилда инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Бойсун баҳори" очик фольклор фестивали санъатимиз, хунармандчилик, амалий санъат, миллий халқ ўйинлари, майдон томошалари каби моддий ва номоддий меросимизни жаҳонга кенг намойиш этишга хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда бу қадимий гўшада 119 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Туманда олиб борилаётган илмий ислохотлар аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис, бу ерда ким билан гаплашманг, амалдаги ўзгариш ва янгиланишлар одамлар кайфиятига ижобий таъсир этаётганини эътироф этади. Чиндан ҳам бугун давлат идоралари халқ хизматида бўлиб, одамлар дарду ташвиши, уларни йўналтириётган масалалар, ечимини кутаётган муаммолар бирин-кетин бартараф этилмоқда.

— Фаолиятимизнинг асосий мезони халқимизни рози қилиш, уларнинг бахтли ва фаровон ҳаётини таъминлашдан иборат, — дейди Бойсун тумани ҳокими Аскаралли Жўраев. — Ушбу мақсадга эришиш, белгиланган дастурларни рўйбга чиқариш учун залворли ҳамда муҳим қадамлар қўйилмоқда. Чунки, ҳудуднинг "драйвер" йўналишлари аниқ белгиланиб, иқтисодий самарадор лойиҳаларни амалга оширишга киришганмиз. Туманимизни 2021-2022 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 2 триллион 310 миллиард сўмлик жами 73 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур дастурга биноан ўтган йили 38 та ийрик лойиҳа амалга оширилиб, бунинг учун 45 миллиард 271 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг реал даромадларини ошириш, турмуш тарзини янада яхшилаш имконини беради.

Давом этаётган коронавирус пандемияси даврида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, туманимизда 118 та оила "Темир дафтар"га киритилган. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан 29 та хонадонга 30,5 миллион сўмлик 29 та инкубатор берилди, 3 та оиланинг



1,5 сотих ер майдонида 11,1 миллион сўмлик иссиқхона барпо этилди. 4 та оилага уй-жойини таъмирлаш учун 90,3 миллион сўм ажратилган бўлса, 2 та оилага ҳомийлар ҳисобидан 57 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 10 та оиланинг олий таълим муассасасида тахсил олаётган фарзандларининг 54,6 миллион сўмлик контракт пуллари тўлаб берилди.

Шунингдек, туман "Саховат ва кўмак" жамғармаси ҳисобидан 100 та оилага 132 миллион сўмлик 2000 бош парранда тарқатилди. Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган дастурлар ижроси, аввало, ҳар бир хонадон, ҳар бир фуқаро ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатса, уйлайманки, халқимиз фаолиятимиздан рози бўлади.

Саноат марказига айланаётган ҳудуд

Инвестиция ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи муҳим манба ҳисобланади. Чунки йўналтирилган сармоялар тармоқларни рағбатлантириш асосида қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш воситаларини модернизация қилиш ва



янгилашишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон бозори билан интеграциялашувини жаддалаштиради.

Бойсун тумани табибий ресурсларга бой. Бу ерда нафақат вилоят, балки республика миқёсидаги қурилыш саноати эҳтиёжини қоплайдиган ер усти ва ер ости хомашё базаси мавжуд. Шунингдек, туманда қурилиш материаллариға иқтисодлаштирилган кичик саноат зонаси ташкил этилди. Бунинг учун тумандаги "Инқобод" ва "Дарбанд" массивларидан 111 гектар ер ажратилди ва умумий қиймати 1 триллион 897 миллиард 79 миллион сўмга тенг бўлган 12 та инвестиция лойиҳаси жалб этилди. Наҳақда жорий йилда 641 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

— Ўтган йили туманимизда 16 миллион АҚШ доллари миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредит линиялари ўзлаштирилди, — дейди туман ҳокими Аскаралли Жўраев. — Инвестициявий жойлаштириш ишлари баробарида тadbirkorлик субъектлари фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида тadbirkorликни ривожлантириш, улар дуч келаётган муаммоларни бартараф этиш доимий эътиборимиз марказида.



Мисол учун, "Barodaron" МЧЖнинг умумий қиймати 1 миллиард 300 миллион сўм бўлган "Пойабал ишлаб чиқариш" лойиҳаси учун "Агробанк" томонидан 750 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Лойиҳа амалга оширилгач 25 та иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, туманда ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатиға асосан, "PRV INVESTMENT CO" МЧЖ ҚК томонидан 2022 йил якуниға қадар умумий қиймати 19 миллион АҚШ долларига тенг бўлган цемент ишлаб чиқариш лойиҳасининг икки босқичини ишга тушириш белгилан олди. Айни пайтда қорхонанинг дастлабки босқичи фаолият юритаётган бўлиб, шу йилнинг декабрь ойида тўла қувватга эришгач, 200 та янги иш ўрни яратилади. Ишлаб чиқариладиган цемент маҳсулотининг 70 фоизи экспортга йўналтирилади. Яна бир истиқболли лойиҳа — "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан умумий қиймати 5 миллион АҚШ долларлик инвестиция эвазига "Бойсун кўмири" АЖнинг ишлаб чиқариш тармоқлари модернизация қилинмоқда. Натигада бу ерда йилга 50 минг тоннагача кўмир ҳазиб олиш қувватига эришилади, 100 дан зиёд иш ўрни яратилади. Бу каби қўллаб-қувватлаш лойиҳалар туман иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Шунинг ҳам айтиш кераки, туманда қурилиш ва пудрат ишлари иқтисодий ўсиш нукталаридан бири саналади. Бугун қурилиш, бунёдкорлик ишлари ортиб бориши баробарида шу турдаги маҳсулотга бўлган талаб ҳам кун сайин кўпаймоқда. Шунинг учун ҳам туманда сифатли, арзон ҳамда инновацион талаблар асосида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, туманининг "Инқобод" маҳалласида яна бир лойиҳа иш бошлади. 2021 йилда хитойлик

мутахассислар кўмағида замонавий технологиялар ўрнатилди. Қиймати 14 миллиард 170 миллион сўмга тенг бўлган ушбу лойиҳа асосида бир йилда 2 миллион квадрат метр гипсакортон ишлаб чиқарилади.

— Мазкур лойиҳа учун 13 миллиард 80 миллион сўмлик банк кредити ажратилди, — дейди тadbirkor Абдусалом Сафаров. — Қолаверса, ҳудуддаги хомашё базаси ишлаб чиқариш тармоғимизни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда. Замонавий технология билан жиҳозланган қорхонамизда бозор талабларини чуқур ўрганган ҳолда сифатли ва харидоригр гипсакортон тайёрлаш йўлга қўйилди. Келгусида темир-бетон маҳсулотлари, шунингдек, пена ва газоблок тайёрлашга иختисослаштирилган кластер фаолиятини ташкил этишни режалаштирялмиз.

Туманда 2021 йил давомида жалб қилинган инвестицияларнинг 26 таси қишлоқ хўжалиғи соҳасига йўналтирилган бўлса, шундан 11 таси чорвачилик, 3 таси паррандачилик ва 1 таси балиқчилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган. Биргина мисол: тумандаги "Дарбанд" массивида 6 гектар ер майдонида тadbirkor Басир Жўраев томонидан қиймати 110 миллион сўмга тенг бўлган лойиҳа асосида олма боғи ташкил этилди. Ҳозирда мазкур боғдан йилга 100 тонна ҳосил олинапти. Тиниб-тинчимас тadbirkor бу билан тўхтаб қолмади. Яна умумий қиймати 150 миллион сўмлик балиқчилик тармоғини ташкил этди.

Туманда маҳаллийлаштириш дастурига асосан, ўтган йили импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган 23 та лойиҳа рўйбга чиқарилди. Пировардига, биргина 2021 йилнинг ўзида 62 миллиард сўмга тенг маҳсулот тайёрланди. Жорий йилда ҳам умумий қиймати 242 миллиард сўмга тенг бўлган 47 та лойиҳа амалга оширилиши

кўзда тутилган. Шунинг ҳисобига йил якуниға қадар 507 та янги иш ўрни яратилади. Тумандаги "Газа" маҳалласи ҳудудида ташкил этилган Ёшлар саноат ва тadbirkorлик зонасида амалга оширилиши мўлжалланган 16 та лойиҳа учун "Фуркат лойиҳаси" дастури асосида 5 миллиард 900 миллион сўм кредит ажратилиши режалаштирилган.

Мақола аввалида қайд этганимиздек, Бойсун туманида қўллаб-қувватлаш ва ер ости бойликлари мавжуд бўлиб, шулар асосида ийрик завод ва қорхоналарни ишга тушириш истиқболлари белгилан олган. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил апрель ойида Россия Федерациясига давлат таширфи чоғида Бойсун туманидаги "Мустақилликнинг 25 йиллиғи" газ қонида қидирув ва ўзлаштириш ишларини амалга ошириш, газ-кимё мажмуаси қуриш бўйича битим имзоланган эди. Умумий қиймати 5,27 миллиард АҚШ долларига тенг мазкур лойиҳа икки босқичда амалга оширилади. 2018-2022 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда йилга 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга завод барпо этилади. 2023-2025 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичда 1,5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш ҳисобига бир йилда 500 минг тонна полимер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи газ-кимё мажмуаси қурилади. Ушбу лойиҳа амалга оширилгандан сўнг 2200 иш ўрни яратилади.

Бойсун туманида бошланган навбатдаги ийрик лойиҳа мамлакатимизнинг жанубий ҳудудини комплекс ривожлантириш, ёқилғи-энергетика, кимё, қурилиш саноати ва транспорт инфратузилмаси қорхоналари қувватларини ошириш имконини беради.

Сайёҳларга тавсия

Туркиялик ҳамкорлар билан Бойсун туманининг Зов боши тоғли ҳудудида маданий, табиий ва табиат туризми марказлари ташкил этиш бўйича ийрик лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий ҳаракатлар бошланган.

Вилоят ҳокимлиғи ташаббуси ва "Idealist" компанияси томонидан тайёрланган лойиҳага кўра, Бойсун туманининг Омонхона қишлоғидан Зов боши тоғли ҳудудигача бўлган жойда анъанавий қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи маданий, табиий ва табиат туризми марказлари ташкил этилади.

Туризм марказида маданий маркази, хунармандчилик санъати устaxonалари, масжид, тadbirkor ўтказиладиган майдон, ўтовлар, ойнали айвон, автотурароғҳо ва техник хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилади.

Табиат туризми марказида меҳмонхона, савдо, гастрономик ва маъмурий мажмуалар, табиий муассасалар, вилоятлар ҳамда эко боғлар бунёд этилади. Туризм марказлари дор йўли линиялари орқали ўзаро боғланади. Шунингдек, пиеда сайр қилиш йўллари, эркин тоғ веломаршрути йўналишлари ташкил этилади.

Туризм Ўзбекистон учун муҳим даромад манбаларидан биридир. Ҳудуднинг мавжуд маданий ва табиат бойликларини сақлаб қолиш мақсадида эко-туризм концепцияси ишлаб чиқилди.

Тadbirkorликни ривожлантириш, кичик ва урта бизнесни фаол қўллаб-қувватлаш, ўзини ўзи банд қилиш тизими жадал ривож топётганини, айниқса, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламини давлат ҳимоясига олиш, камбағалликни қисқартиришга доир саяё-ҳаракатлар одамлар кайфиятиға ижобий таъсир этиб, уларда эртанги кунга бўлган ишончнинг мустақамламоқда. Бунга, шубҳасиз, бойсуникларнинг бугундиган рози бўлиб, эртанги кунга умид ва ишонч билан интилаётгани мисолида ҳам амин бўлиш мумкин.

Азимбек САМАДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

БУГУННИНГ ГАПИ

Фарҳод НЕҒМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ТАНЛАНГАН ЙЎЛ

Халқимизнинг эртанги кунга ишончини орттирмоқда

Жорий йилнинг "Инсон қадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилинишида ўзига хос маъно бор. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган маҳаллабай, хонадонбай ишлаш тизими, бунинг мантаний давоми сифатида маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси вазифасининг жорий этилиши аҳоли муаммоларини ҳал этишда муҳим омили бўлмоқда.

вазифаларини бажаришга киришди. Уларнинг 52 нафари вилоят ташкилотларида, 208 нафари шаҳар ва туман бўлимида ҳамда 39 нафари тadbirkorлик соҳасида фаолият юритиб келган. Меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.

Қонунчиликдаги сўнги янгиланишлар ва жорий этилаётган имтиёзлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиб боришлари учун ҳоким ёрдамчиларига назарий ва амалий машғулотлар асосида бир қатор ўқув-семинарлар ташкил этилди. Иш фаолиятида фойдаланишлари учун меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламидан иборат китоблар, ҳар бир хонадон аъзолари билан ўтказилган суҳбатни қайд этиш дафтарлари билан таъминланди.

— Айни пайтда давлатимиз раҳбарини тегишли қарори ижроси доирасида Маҳаллабай ишлаш ва тadbirkorликни ривожлантириш агентлигининг вилоят бўшқармаси ва ҳудудлардаги марказлари ташкил этилмоқда, — дейди вилоят ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича котибият мудири Шаҳбоз Камолов. — Вилоятимиздаги ҳоким ёрдамчилари маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини хонадонбай, жумладан, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, тўрмоқ ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини ўрганяпти. Аҳолиға амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушутириб, аниқланган муаммоларни жойида ҳал



қилиш чораларини кўрмоқда. Вилоятда 235 913 та хонадон мавжуд бўлиб, ҳозиргача ҳоким ёрдамчилари томонидан 13 154 та хонадон хатловдан ўтказилди. Ўрганилган 67339 нафар аҳолининг 24 698 нафари воёга етмаганлар, 18 790 нафари доимий даромадга эга бўлганлар, 12 858 нафари меҳнатга лаёқатли ишсизлар ҳамда 10 993 нафари пенсионерлар, туғуруқ таътилидагилар ва бошқалар ташкил қилади. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатларидан келиб чиқиб, тоифаларға ажратил-

ганда 3 299 таси намунали, 8109 нафари ўртаҳол ва 1656 таси эҳтиёжманд хонадонлар гуруҳиға кириши маълум бўлди. Бундан ташқари, ўтказилган ўрганишларға кўра, аҳолининг 1117 нафари касб-хўнарга ва тadbirkorликға ўқиш ҳамда 1506 нафари тadbirkorлик билан шуғулланиш истағида эканлиғи аниқланди.

Тadbirkorлик билан шуғулланиш истағида бўлганларнинг 2287 нафарида бино, газ ва сув, логистика, хомашё етишмаслиғи каби муаммолар мавжуд. Ушбу муаммо-

ларни ҳоким ёрдамчилари ҳамда тегишли масъул ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш чоралари қўрилмоқда.

Шунингдек, 13 154 та хонадоннинг қўшимча даромад манбалари ўрганилганда, 1750 сотихлик иссиқхона, 18825 бош ийрик шоҳли қорамол, 22024 бош майда шоҳли қорамол, 4292 бош кўен, 33011 бош парранда, 1410 та асалари оиласи, 73490 туп узум кўчати, 148736 туп мевали дароҳт, 36 тасида эса кичик ишлаб чиқариш цехлари ҳамда 3382 тасида турли техника ва машина мавжудлиғи маълум бўлди.

Вилоятимизнинг 299 та маҳалласидан 49 таси тажриба тарихида намунали масканга айлантириш мақсадида талаб олди. Бугунги кунда вилоятимизда 1 443,4 минг нафар доимий аҳоли мавжуд бўлиб, шундан меҳнатға лаёқатли 781,0 минг нафари турли соҳаларда банд. Ишсизлар сони 60,4 минг нафар, яъни 9,9 фоизни ташкил этади.

Вилоятда 2022 йилда аҳоли бандлиғи ва даромадларини оширишға ҳар томонлама кўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ҳамда меҳнат бозорига кириб келаётганлар учун жами 240 мингта янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, 7,8 минг нафар ишсизни меҳнат органлари йўлланмалари орқали вакант иш ўринларига жойлаштиришға кўмаклашилади. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 6,2 минг нафар фуқаро, биринчи навбатда,

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"ға кирган ёшлар ва хотин-қизлар жалб қилинади.

— Уч йилдан буюн ишсиз эдим. Маҳалламизда ҳоким ёрдамчиси тайинланганини эшитиб, ишға жойлаштириш масаласида ёрдам сурадим. Унинг кўмағи билан маҳалламиздаги иссиқхонаға ишға жойлашдим. Иш шароитлари яхши. Аввало, халқимизни йўлаб қилинаётган мана шундай ишлар учун Президентимизға ва барча масъулларға миннатдорчилик билдираман, — дейди Шароф Рашидов туманидаги "Қаҳрамон" маҳалласида яшовчи Гулшан Одилова.

Жиззах шаҳри ҳокими ёрдамчилари томонидан ўзлари бириктирилган маҳалладаги аҳолини ижтимоий ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида тadbirkorлик билан шуғулланишни билдирган фуқароларға арзон нарҳларда тарқатиб, уларни ҳам тadbirkorликға ўргатаман. Бузиқнинг бу йўналиши жуда сердаромад соҳалардан бири. Товуқ боқилган хонадонда, албатта, барака бўлади. Ҳам оилаларнинг иқтисоди мустақамланади, ҳам аҳолининг парҳезбон гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилади, — дейди Жиззахлик маҳалласида яшовчи Ҳасан Шодмонов.

Ислохотларнинг маҳалла даражасида туширилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, тadbirkorликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш борасида ҳоким ёрдамчиларининг дастлабки қадамлари сарҳисоби танланган йўл нақадар тўриллигини кўрсатади. Энг муҳими, халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончи ортмоқда.



9 февраль — Алишер Навоий таваллуд тоғлан кун

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 19 октябрдаги “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси доирасида Тошкент шаҳрида ўтказилган “Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада” республика театрлари кўрик-фестивали маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлиб, режиссёру актёрлар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтаб берди.



“ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ” ФИЛЬМИ — ИККИ ДАҲО ЯРАТГАН МАЪНАВИЙ КЎПРИК ТИМСОЛИ

МАЪНАВИЙ МУЛКИМИЗГА АЙЛАНГАН АСАРЛАРГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

ТОМОШАБИНИ МУШОҲАДАГА ЧОРЛАШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ



Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, ЎзФА Санъатшунослик институти бош илмий ходими, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Навоий ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган ушбу фестивалда мамлакатимизда турли йўналишларда (драма, мусиқали ва кўғирчоқ) фаолият кўрсатиб келаётган илгирмага яқин профессионал театрлар ўз асарлари билан иштирок этди.

Фестивалда намойиш этилган асарлар икки йўналишда — драматик-мусиқали ва кўғирчоқ театрлари гуруҳларга ажратилиб баҳоланди. Таъдбир ғолибларини аниқлашда спектаклнинг бадиий-ғоявий савияси ва маънавий-маърифий, тарбиявий аҳамияти, мавзунинг долзарблиги, режиссёрлик ечими, сценариянинг оригиналлилиги, мусиқий безак ва бошқа эффе́кларнинг таъсирчанлиги, шунингдек, кўғирчоқлар дизайни, актёрлик маҳорати, асарларнинг драматургия талабларига нечоғлиқ мослигига эътибор қаратилди.

Спектаклларнинг аксари буюк мутафаккир асарларининг инсценировкалари асосида саҳналаштирилган. Шу билан бирга, Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган оригинал драматургия асосидаги саҳна асарлари ҳам мавжуд. Хусусан, Сурхондарё вилояти мусиқали драма театри Ўйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб “Алишер Навоий” асарини намойиш этди. Режиссёр Равшан Мансуров асарни саҳналаштириш жараёнида пьесадаги қатор лирик саҳналардан воз кечган. Асосий эътибор Алишер Навоийнинг ижтимоий фаолияти, мамлакат ҳаёти, халқ тақдирини ўрнига қаратилган. Турли саҳнавий унсур ва топилмалар асарнинг томошабоплигини оширган.

Марғилон шаҳри мусиқали мақом театри тақдим этган “Алишер Навоий” (Нурилло Аббосов асари) спектаклида ҳам ҳазрат ҳаётининг муҳим даври акс этиши баробарида саҳна талабларидан келиб чиқиб, тарихий муҳитга зид бўлмаган қарама-қаршиликлар топилган. Айнан драматик саҳналар ҳолатини кучайтириб, таъсирчанликни таъминлаган.

Алишер Навоийнинг ёшлик йилларини акс эттирган асарга эҳтиёж барча даврлар учун аҳамиятlidir. Зеро, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикоялар орқали тарбиялаш ижобий натижа беришига шубҳа йўқ. Шу маънода, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрининг “Алишербек ва



Хусайн” (Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо асари) спектакли эътиборни тортади. Спектаклда буюк алломаларнинг ёшлик даври, дўстлик тарихи ва синовлари, бир-бирига таъсири масалалари кўтарилганки, улар бугунги авлод тарбиясида аҳамиятлидир.

Фарона вилояти рус драма театрининг “Луна для Шаха Бахрама” спектакли ўзига хос ечими билан ажралиб туради. Инсон руҳий оламидаги курашни тасвирлаш мақсадида режиссёр Анвар Абдуллаев саҳнада қаҳрамонларини иккилантиради. Яъни саҳнада 2 нафар Баҳром ва 2 нафар Дилором ҳаракат қилади. Бош қаҳрамонлар ички дунёсида содир бўлаётган зиддият ёпиқ кўринишда, яъни қаҳрамон руҳиятида содир бўлаётган қарама-қаршилик шаклида намойён бўлади. Бу орқали режиссёр аслият ва ботиний тушунчалар ўртасидаги азалий курашга ургу беради. Жамоа ўзининг ушбу саҳна асари билан Навоий даҳоси ва унинг асарларида илгари сурилган ғояларни англашга, энг асосийси, томошабинга ҳам англаштиришга эришган.

Еш драматург Учқун Усаровнинг “Сабаъи сайёр” дostonи асосида ёзилган “Икки қалб афсонаси” мусиқали саҳна асари режиссёр Гофур Мардонов томонидан қатор театрларда саҳналаштирилди. Навоийнинг бу асари катта фалсафий маъно ташиб, унда бош қаҳрамоннинг муҳаббат йўлидаги изтироблари акс этса-да, асосий мақсад қаҳрамоннинг фано йўлини тутиб, покляни сари бориши ҳақидадир. Шу маънода, спектаклда асосий эътибор ишқнинг қудратини кўрсатишга қаратилган бўлса-да, саҳнада кечаётган воқеалар аксар рамзийлик касб этади.



кўрсатди. Бу изланишларда Навоий дostonларини янги нигоҳ ва ёндашув билан ўрганиш, замонавий шакл ва мазмунда саҳналаштириш, опис мозий қаҳрамонларини бугунги кунимизга яқинлаштириш тамойили устунлик қилди. Фестивалда юртимиздаги барча театрлар жамоалари иштирок этиши интиллани эътирофли. Аввало, ҳар бир театр репертуарида Навоий сиймоси ва унинг асарлари бўлишига эришилмоқда. Бу орқали Навоий ижоди, асарлари инсоният маънавий мулкига айланиб улгургани, у мудом башаридаги хамроҳ экани таъкидланади. Бу ҳолат эса жамиятимиз тараққиёти учун зарур маънавий ҳодисадир. Айнан фестивал кунлари театр маънавият маскани экани, томошабинни ўйлашга, фикрлашга, асосийси, поклянишга ундаш имкониятлари тўлиқ намойён бўлди.

Зеро, спектаклларда илгари сурилган дўстлик, адолатпарварлик, халқпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳақпарварлик сингари ғоялар бугунги



Ўзбекистон давлат рус академик драма театрининг “Смятение праведных” (“Ҳайрат ул-абдор”) спектаклига (режиссёр Валижон Умаров) маҳобатли саҳнавий ечим тақлиф этилган. Бош роль ижросиси Афзал Рафиқовнинг узоқ йиллар Навоий асарлари устида ишлагани, ўзига хос оҳанги, янграётган мисраларнинг саҳнада актёрлар ҳаракатида жонлиб туриши — буларнинг бари асардаги энг олий ниятларни томоша залига етказишга қўл келган. Спектакль ўзига хос шакли, ифодавий воситаларининг ранго-ранглиги, поэтик жозибаси билан эътирофга лойиқ.

Бухоро вилояти мусиқали драма театри айнан мана шу сюжет асосида “Сегох” (“Шайх Санъон қиссаси”) спектаклини саҳнада қўйиб, катта фалсафий асарни ўзига хос усулда кўшиқлар жўрлигида ифодалади.

Болаларни ёшлигидан Навоий даҳоси билан ошно қилиш нияти кўғирчоқ театрларини ҳам изланишга ундагани хайрли. Андижон вилояти кўғирчоқ театрининг “Фарҳод ва Ширин”, Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрининг “Чин юртини дунёга машҳур қилган гўзал”, Қашқадарё вилояти кўғирчоқ театрининг “Қуш тили”, Бухоро вилояти кўғирчоқ театрининг “Лисон ут-тайр”, Хоразм вилояти кўғирчоқ театрининг “Шер билан Дуррож”, Ўзбек миллий кўғирчоқ театрининг “Сабаъи сайёр” спектакллари бугунги ўзбек кўғирчоқ театрларида мавзунини ўзлаштириш йўлида ўзига хос жараён кетаётганини кўрсатади.

Фестиваль сўнги йилларда театрларимизда буюк мутафаккир асарлари асосида қатор эътирофга лойиқ спектакллар яратилганини

кун маънавият тарбиясида алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, фестиваллар жамоаларининг ўсиши, ўрганиши, узаро тажриба алмашишига ҳам муносиб хизмат қилади.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, Алишер Навоий асарлари асосида саҳна учун инсценировка тайёрлаш билан боғлиқ. Бу ҳолат тилга олинган жараёнга тажрибали адиб ва драматургларни жалб қилишга бориб тақалади. Фестивалда бу жараёнда адабий сафдошлар, режиссёрлар фаоллик кўрсатаётганини намойён қилди. Лекин Навоий меросини драматик манбага айлантириш учун инсценировка муаллифи мумтоз адабиёт, шеърый санъат ва унинг ваъзаларидан хабардор бўлиши, хусусан, ғазал илмини яқин билиши, шунингдек, муайян маънода ижодкорлик қобилиятига эга бўлмоғи лозим. Шоир асарларининг тўб моҳиятига кириб бориш, ботиний мазмунини ҳис қилиш, фалсафий ғоялар жозибасини сақлаш театр ижодкорларидан катта заҳмат талаб қилади. Шу маънода, тажрибали адибларимиз, адабиётшунослар бу масалага ҳам эътибор қаратсалар, нур устига нур бўларди.

Алишер Навоий ижодий мероси театр ижодкорлари учун битмас-туганмас манба. Айниқса, миллий драматургиямиз ривожига улғу шоир асарларининг ўрни ва салмоғи бекиёс. Буюк мутафаккир ҳаёти ва ижоди ҳақида, унинг асарлари асосида янги пьесалар яратиш, инсценировкалар тайёрлаш, шоир асарларида илгари сурилган умумбашари ғоялар орқали давримизнинг долзарб муаммоларига жавоб излаш бугунги драматургиямиз олдида турган долзарб вазифалар сирасига қиради.



Фурқат УСМОНОВ, “Хужжатли ва хроникал фильмлар киностудияси” ДУК директори, кинорежиссёр

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 10-11 июнь кунлари Тожикистон Республикасига ташрифи давомида мамлакатимиз раҳбари томонидан икки давлат киноижодкорлари ҳамкорлигида “Жомий ва Навоий” тарихий-бадиий фильмининг яратиш тақлиф этилган ва бу Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон томонидан қўллаб-қувватланган эди.

Зотан, салкам 600 йилдирки, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги, халқларимиз тилидан тушмай келади. Уларнинг муносабатлари устоз-шогирдлик аёнасидан бошланиб, меҳр-муҳаббат бобида ота-ўғиллик даражасига етган. Бу, ўз навбатида, тасавуфий маънода, Яратганининг тимсолидаги Ҳақиқатга етишиш йўлидаги яқинлиқни ўзида ифодалади.

Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий дўстлиги XV асрнинг иккинчи ярмида Темирийлар салтанатидан кейинги тарихий босқичга ўтишда мустоҳкам кўприк вазифасини ўтаган. Улар яратган илмий, адабий ва маданий асарлар нафақат ўзбек ва тожик халқлари, балки бутун инсониятнинг маънавий мероси бўлиб қолди.

“Жомий ва Навоий” тарихий-бадиий фильми қардош икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан амалга оширилган илмий-худудий фильм саналади. Шундай улғу ишга қўл урилгани биз каби ёш кинорежиссёрлар учун улкан шараф, фахр ва масъулиятдир.

Кинолойиҳани амалга ошириш аввалида Ўзбекистон ва Тожикистон киноижодкорлари, адабиётшунослари ва тарихчи олимлари бир неча бор онлайн ва юзма-юз музокаралар олиб боришди. 2021 йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Тожикистон киноижодкорлари ва олимларидан иборат делегация Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Кинолойиҳа комиссияси бўйича музокаралар ўтказди. 14 октябрь куни “Жомий ва Навоий” тарихий-бадиий фильмининг яратиш бўйича мамлакатлараро қўшма комиссия аъзолари томонидан фильм концепцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Киноагентлиги ва “Тожикифильм” давлат муассасаси раҳбарлари ўртасида “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент Халқаро кинофестивали доирасида 2021 йил 2 октябрда “Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий” бадиий фильмининг суратга олиш бўйича меморандум имзоланди.

10 октябрь куни “Тожикифильм” давлат муассасасида Тожикистон Республикаси Ҳукумати

ҳузуридаги Миллий киноагентлиги ривожлантириш кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тожикистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Матлубахон Сатториён иштирок этди. Мажлисага Тожикистон Республикасининг бир қатор вазирик ва идоралари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари тақлим этилди. Ҳукумат мажлисида “Жомий ва Навоий” тарихий-бадиий фильми концепцияси маъқулланди.

2021 йилнинг 15-25 декабрь кунлари тожикистонлик киноижодкорлар — сценарист Сафар Ҳақдодов ва режиссёр Файзулло Файз Тошкентда Ўзбекистон Киноагентлиги агентлиги ижодий гуруҳи билан фильмнинг дастлабки синопсиси устида иш олиб борди.

Синопсисга илмий-тарихий асос сифатида Жомий ва Навоийнинг тарихий ҳоли акс этган, улар яшаган даврда яратилган илмий-фалсафий, адабий асарлар, XV асрдан бугунги кунга қадар яратилган тарихий манбалар, илмий тадқиқотлар, уларнинг ҳаёти акс эттирилган фольклор намуналарини олинди.

Фильмнинг тасвирий ечими, тасвирий-тарихий элементлари ҳақида ҳам концептуал даражада фикр алмашилди. Суратга олиш ишларини, авваламбор, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудидан жойлашган турли тарихий локацияларда, фильм учун мутахассислар кўзда тутилган. Ушбу технологияларни фильмга табиқ этиш учун жаҳон миқёсида тан олинган махсус эффе́клар бўйича етук мутахассисларни жалб қилиш режалаштирилган. Тарихий либослар, грим, бадиий режиссёрлар, жанговар саҳналар учун ҳам Ўзбекистон ва Тожикистон киноижодкорлари ва экспертлари санаб ўтилган йўналишларда халқаро даражадаги соҳа вакиллари билан ҳамкорликда ишлаши белгиланган.

2022 йил 5-15 январь кунлари сценарий муаллифи Рустам Жабборов ҳамда режиссёр ва графика устаси Шохрух Расулов билан бирга Тожикистонда хизмат сафарига бўлиб кайтди. Сафар давомида “Тожикифильм” раҳбарияти билан учрашув асосида галдаги вазифалар хусусида суз юритилди. Фильмнинг Тожикистондаги локациялари ҳақида фикр алмашилди. Душанбе шаҳридаги “Мавлоно Яъқуб Чархий” ёдгорлик мажмуаси ҳамда Ҳисор туманидаги Ҳисор қалъаси билан танишди.

Сафар давомида ушбу лойиҳа ҳақидаги видеоақдидом ишлаб чиқилди. Сценаристларимиз томонидан эса ўзбек ва тожик тилларида кенгайтирилган синопсис матни ёзилди. “Тожикифильм” давлат муассасаси бадиий кенгаши аъзолари — “Тожикифильм” ДМ раиси Маҳмадидин Шохиён, раис ўринбосари Тоғиб Файзуллозода, филология фанлари докторлари Шодмуҳаммад Сўфизода, Муҳриддин Низомий, Бадриддин Мақсудов ва бошқалар фильмнинг синопсисини ижобий баҳолаб, унда асосий эътиборни Жомий ва Навоийнинг ижодий фаолиятига қаратиш лозимлигини қайд этишди.

Айни пайтда маъруз синопсис Ўзбекистон Республикаси Киноагентлиги агентлиги бадиий кенгаши томонидан қўриб чиқилмоқда.

Мақсадимиз — “Жомий ва Навоий” фильми орқали томошабинга ушбу икки улғу даҳо тимсолида қардош ўзбек ва тожик халқларининг кўп асрлик, тарихий аҳамиятга эга дўстлик ришталарини тасвирлашдир. Шунингдек, буюк сиймоларнинг ўз даври учун давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни нечоғлиқ муҳим эканлиги ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан қандай юксак натижаларга эришилганини кўрсатишдан иборат.

Бадиий ижоднинг бугунги кунда энг таъсирчан воситаси бўлган кино санъати, хусусан, “Жомий ва Навоий” тарихий-бадиий фильми икки халқнинг асрий қондош-қардошлиги, бирдамлигини янада мустоҳкамлашда янги саҳифа бўлиб қолишига ишонамиз.